

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«16» август 2018 у.

№ 669

Toshkent sh.

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида” 2018 йил 27 июнданги ПФ–5466-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси тўғрисида низом 1-иловага;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатиш ҳамда тижорат банклари кредитлари бўйича кафилликлар бериш тартиби тўғрисида низом 2-иловага;

Ишсиз ва банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган қасблар ва мутахассисликларга профессионал ўқитиши юзасидан қисқа муддатли курслар сонини кўпайтириш ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплекси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – молия вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига ва Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Махкамасининг
2018 йил 16 август даги 669-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги
“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) вазифалари ва фаолият йўналишларини, уни бошқариш тартибини, шунингдек Жамғарма маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига ҳисобот беради.

2. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг қарорларига, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

3. Жамғарма муассаса шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустакил балансига, ҳисоб рақамларига, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга.

4. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси худудида юридик шахс мақомига эга бўлган туман ва шаҳар филиалларини ташкил этиш ҳуқуқига эга.

5. Жамғарманинг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй.

6. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

тадбиркорлик субъектлари – “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб аталади) доирасида манзилли рўйхатга киритилган тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар тадбиркорлиги (18 ёшга тўлган 30 ёшдан ошмаган ёшлар) субъектлари, 50 фоиз ва ундан кўпроқ муассислари ёшлардан иборат бўлган тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, яратиладиган иш ўринларининг 70 фоизидан кам бўлмаган қисмини 5 йил давомида ёшларни иш билан таъминлаш учун тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган тадбиркорлик субъектлари, жумладан, хорижий инвесторлар;

тижорат банклари – Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ва молмulkни лизингга бериш амалиётини бажарадиган Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки, “Ипак йўли” АИТБ, АТ “Халқ банки” ва “Ҳамкор банк” АТБ;

кредит – Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкининг тадбиркорлик субъектлари Давлат дастури доирасидаги лойихаларини молиялаштириш учун бериладиган имтиёзли кредити;

кафиллик – Жамғармага тадбиркорлик субъектларининг кредит бўйича ўз мажбуриятларини бажариши учун тижорат банки олдида жавоб бериш масъулиятини юклайдиган кафиллик шартномаси.

2-боб. Жамғарманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари

7. Давлат дастури доирасида тадбиркорлик субъектларига қуйидаги шаклда молиявий ёрдам кўрсатиш Жамғарманинг асосий вазифаси ҳисобланади:

а) тадбиркорлик субъектларининг лойихаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан (бунда, банк маржаси 2 фоизни ташкил этади) имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш;

б) тадбиркорлик субъектларига Давлат дастури доирасида бериладиган тижорат банклари кредит миқдорининг 50 фоизигача, аммо 1 млрд. сўмдан ошмайдиган миқдорда Жамғарма кафиллигини бериш;

Бунда, Жамғарма томонидан тақдим этиладиган кафилликларнинг умумий миқдори Жамғарма маблағларининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

в) Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик субъектлари лойихаларида улар қийматининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда иштирок этиш, кейинчалик Жамғарма улушини 5 йил давомида реализация қилиш;

г) тегишли кўникмаларга эга, банд бўлмаган ёшлар яшайдиган уй хўжаликлари учун 20 тагача парранда ва қуён боласи, 5 та майда ва 2 та йирик қорамол сотиб олиш, уларнинг қийматини келишилган муддатларда қайтарган ҳолда уларни боқиши ва кейинчалик реализация қилишда кўмаклашиш;

8. Жамғарма давлат-хусусий шериклик шартларида “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплекслари қурилиши қийматининг 30 фоизигача бўлган қисмини молиялаштиришда мазкур маблағларни уларнинг устав жамғармаси (капитали)га кейинчалик капиталлаштирган ҳолда иштирок этишга ҳақли.

9. Жамғарма ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришни қўллаб-куватлаш соҳасида давлат сиёсатини юритишида иштирок этиш, молиявий хизматлардан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш учун ресурслар ажратиш;

Давлат дастури доирасида ёшларнинг бизнес ташабbusлари, стартаплари, ғоялари ва лойихаларини қўллаб-куватлаш;

ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали иш ўринлари ташкил этиш имконини берадиган давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар, лойихалар ҳамда тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-куватлаш, янги турдаги маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятига самарали янги технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;

илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда республикада ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришни қўллаб-кувватлаши такомиллаштириш муаммоларини ўрганишга доир комплекс илмий ва амалий тадқиқотларни амалга оширилишида иштирок этиш.

10. Жамғарма бош келишувлар асосида тижорат банклари орқали миллий валютада тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-кувватлайди.

3-боб. Жамғармани бошқариш

11. Жамғарманинг Кузатув кенгаши Жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади ва унинг таркиби Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда республика комиссияси деб аталади) қарори билан тасдиқланади.

12. Жамғарманинг Кузатув кенгаши:

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш комиссияси томонидан тақдим этилган манзилли рўйхатларни Жамғарманинг кейинги йил учун молиялаштириш прогноз параметрлари доирасида кўриб чиқади ва таҳлил қиласи ҳамда тасдиқлаш учун республика комиссиясига киритади;

тижорат банкларидан келган хужжатларни кўриб чиқади ва ўз ваколатлари доирасида Жамғарма кафиллигини тақдим этиш ёки рад этиш ҳақида қарорлар қабул қиласи;

Жамғарманинг даромад ва харажатлари бўйича ҳар йилги прогнозларни тасдиқлади;

Жамғарманинг бўш пул маблағларини тижорат банклари депозитларига ва бошқа молиявий активларида жойлаштириш бўйича чекланган параметрларни белгилайди;

Жамғарманинг фаолияти, шу жумладан маблағларнинг мақсадли йўналтирилиши, тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатишга доир қарорларнинг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

Жамғарма ижро этувчи директорининг Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисида, шунингдек манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар вакилларининг амалга оширилаётган ишлари самарадорлиги ва тақдим этилган ресурслар, Жамғарма кафиллиги натижалари ҳақида ҳисботларини мунтазам эшигади;

Жамғармани йиллик аудитдан ўтказиш учун, жумладан, унинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича аудиторлик ташкилотини белгилайди;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига Жамғарманинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисида таклифлар киритиши мумкин;

Жамғарма ва унинг филиаллари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тартибини белгилайди.

Кузатув кенгаши қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Жамғармага ижро этувчи директор – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари раҳбарлик қилади.

Жамғарма ижро этувчи директори:

Жамғарманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларига мувофиқ Жамғарма фаолиятини ташкил этади ҳамда унинг самарали ва натижадорлиги учун шахсан жавоб беради;

Жамғарма даромад ва харажатларининг хар йилги прогнозларини шакллантиради ҳамда Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритади;

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларини кенгайтиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун Кузатув кенгашига киритади;

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун зарур қўшимча маблағларни жалб этиш бўйича чоралар кўради;

Жамғарма даромад ва харажатларини хисобга олиш ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида хисобдорликни таъминлайди ва тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига тақдим этади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш мониторингини тизимли равишда ташкил қилади;

Жамғарманинг бўш турган маблағларини Кузатув кенгаши томонидан белгиланган параметрлар доирасида тижорат банкларининг депозитларига ҳамда бошқа молиявий активларга жойлаштиради;

халқаро ва хорижий ташкилотларда Жамғарма манфаатларини ифодалайди;

Жамғарма номидан меҳнат, хўжалик ва бошқа шартномалар, шу жумладан, кафилликлар тақдим этиш ҳамда депозитларни тижорат банкларида жойлаштириш тўғрисидаги шартномаларни имзолайди.

Ижрочи директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

14. Жамғарманинг, шунингдек унинг туман (шаҳар) филиалларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ барча харажатлари Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

15. Жамғарма ва унинг туман (шаҳар) филиаллари ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ва устамалар, рағбатлантирувчи тўловлар, шунингдек, қўшимча моддий рағбатлантириш маблағларидан ташкил топади.

4-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш

16. Жамғарма маблағлари куйидаги манбалар хисобидан шакллантирилади:

даромадларнинг прогноз қилинган кисмини ошириб бажариш хисобига республика бюджетидан 2018 йил августда, 1 октябргача ва 1 декабргача тенг улушларда ажратиладиган 500 миллиард сўм миқдоридаги беғараз молиявий ёрдам;

ҳар чоракда Жамғармага ўтказиладиган, вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган йиллик тушумларнинг 1 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида” 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон Фармони 13-бандига мувофиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига хар ойда тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

хомийлар – жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари;

Жамғарманинг вактинча бўш пул маблағларини тижорат банкларининг депозитлари ҳамда бошқа молиявий активларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

Давлат дастури доирасида тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларининг кредитлари бўйича бериладиган Жамғарманинг кафиллигидан тушадиган даромадлари;

қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Давлат дастури доирасида туман ва шаҳарларда амалга ошириладиган тадбирларни 2019 ва кейинги йилларда молиялаштириш параметрлари Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аниқ маблағларини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

17. Жамғарма ва унинг филиаллари маблағлари шу жумладан хорижий валютадаги маблағлар тижорат банкида белгиланган тартибда очиладиган маҳсус ҳисоб рақамларда тўпланади.

Хорижий валютадаги маблағлар Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида белгиланган тартибда очиладиган маҳсус валюта ҳисоб рақамларига ўтказилади.

18. Жамғарма маблағларидан:

тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш учун тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этиш;

тижорат банкларига тадбиркорлик субъектларининг кредитлари бўйича тақдим этилган кафилликлар билан боғлиқ тўловларни тўлаш;

Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларида Жамғарма улуши билан иштирок этиш;

тегишли кўникмаларга эга, банд бўлмаган ёшлар яшайдиган уй хўжаликлари учун парранда ва қуён боласи, майда ва йирик қорамол сотиб олишда кўмаклашиш;

давлат-хусусий шериклик шартларида “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплекслари қурилиши қийматининг 30 фоизигача бўлган кисмини молиялаштиришда мазкур маблағларни уларнинг устав жамғармаси (капитали)га кейинчалик капиталлаштирган ҳолда иштирок этиш;

Жамғарма ва унинг филиалларини саклаш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш;

Жамғарманинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш;

Жамғарма ва унинг филиаллари ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ва устамалар, рағбатлантирувчи тўловлар, шунингдек, қўшимча моддий рағбатлантириш;

Жамғарма кафиллик портфелини сугурта йўли билан қоплаш бўйича сарф-харажатларини амалга ошириш;

Жамғарма Уставида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

5-боб. Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига ресурслар тақдим этиш

19. Тижорат банкига ресурс тақдим этиш учун Жамғарма ва тижорат банки ўртасида қонун хужжатларида белгиланган тартибда шартнома (кейинги ўринларда бош келишув деб аталади) тузилади.

20. Жамғарма томонидан тижорат банкига ресурс тақдим этиш бўйича бош келишувда тижорат банки ушбу маблағлардан тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш учун ресурс сифатида фойдаланиши қатъий келишилади.

Бош келишувда, шунингдек тижорат банклари Жамғарма ресурслари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига тақдим этиладиган кредитлар ва мол-мулк лизинги бўйича имтиёзли фоиз ставкалари миқдори кўрсатилади.

21. Жамғарма бош келишувни имзолагандан сўнг унда қайд этилган муддатларда тижорат банкларининг аризасига асосан уларнинг вакиллик ҳисоб рақамига зарур миқдордаги ресурсларни ўтказади.

22. Жамғарманинг тижорат банкларига тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш мақсадида маблағлар ажратиш учун тақдим этиладиган маблағлари кредит ажратиш муддатига қараб, тегишли баланс ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади.

23. Жамғарма томонидан тадбиркорлик субъектларига кредит ва мол-мулкни лизингга бериш учун тижорат банкига тақдим этилган ресурслар суммасига тижорат банкнинг 2 фоиз банк маржаси чегириб қолингандан сўнг 5 фоиз ставкаси миқдорида фоизлар қўшади ва ушбу фоизлар жамғариб бориладиган ҳисоб рақамида тўпланади ҳамда бош келишувда қайд этилган муддатларда Жамғарманинг тегишли банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

24. Тижорат банки ресурсларнинг фойдаланилмаган қисмини Жамғарма ҳисоб рақамига бош келишувда қайд этилган муддатларда қайтариши лозим.

25. Навбатдаги ресурсларни ажратишида Жамғарма ва тижорат банки ўртасида янги ресурслар миқдори кўрсатилган ҳолда, бош келишувга қўшимчалар киритилади.

26. Манзилли рўйхатга мувофиқ Жамғармадан ажратилган ресурслар бўйича ҳақиқатда ўзлаштирилган кредитлар ҳамда мол-мулк лизинглари бўйича уларга ҳисобланган фоизлар инобатга олинган ҳолда маблағлар Жамғарманинг маҳсус ҳисобварағига қайтарилади.

27. Жамғарма тижорат банкида тадбиркорлик субъектларига кредит ва мол-мулк лизинги бериш учун тақдим этилган ресурслардан мақсадли фойдаланишини, кредит ва лизинг ишларини ўрганиш ҳамда тижорат банки вакили билан жойларга чиқиши йўли билан текшириш хукуқига эга.

Маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Жамғарма тижорат банкидан ресурсларнинг тегишли қисмини муддатидан аввал қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Тижорат банки бош келишувда келишилган шартлар асосида Жамғарманинг ушбу талабларини бажаришга мажбур.

28. Тижорат банклари ҳар чоракда Жамғармага ва ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Жамғарма ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида кредит ва мол-мулк лизинги олган тадбиркорлик субъектларининг реестри илова қилинган ҳисоботни тақдим этади. Ушбу ҳисоботлар маълумотлари бўйича ҳар чоракда тижорат банки ва Жамғарма ўртасида маблағлардан фойдаланишини таққослаш далолатномалари тузилади.

29. Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкига ресурс тақдим этиш билан боғлиқ бошқа масалалар Жамғарма ва тижорат банки ўртасида тузиладиган бош келишувда кўрсатилиши мумкин.

6-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланишини хисобга олиш, ҳисобот бериш ва назорат қилиш

30. Жамғарманинг ижро этувчи директори қонун хужжатларида белгиланган тартибда Жамғармага маблағлар тушиши ва уларнинг сарфланишини ҳисобга олади ҳамда улар бўйича ҳисобот тузади.

31. Тижорат банки ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай Жамғармага унинг маблағларидан фойдаланиш тўғрисида маълумот тақдим этади.

32. Ижро этувчи директор ҳар чоракда Кузатув кенгашига Жамғарма маблағларидан фойдаланилгани тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

33. Ижро этувчи директор молиявий йил ниҳоясига етгач, кейинги йилнинг 1 февралигача бўлган муддатда республика комиссиясига молиявий ҳисобот йилида Жамғарма томонидан берилган кафилликлар асосида амалда тўланган компенсациялар ва тўловлар тўғрисида ахборот тақдим этади.

34. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорат бош бошқармаси белгиланган тартибда Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланишини текширади.

35. Жамғарма маблағларининг ўз вақтида шакллантирилиши ва мақсадли сарфланиши устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда назорат ўрнатилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

36. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 16 август даги 669-сон карорига
2-илова

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси
маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш ва лизинг хизматларини
кўрсатиш ҳамда тижорат банклари кредитлари бўйича
кафилликлар бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб аталади) доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларидан кредитлар ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатиш ҳамда тижорат банклари кредитлари бўйича кафилликлар бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш комиссияси (кейинги ўринларда ҳудудий комиссия деб аталади) – тегишли ҳудудда Давлат дастурининг бажарилишини мувофиқлаштириш, тизимли мониторинг қилиш ва рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари бошчилигига ҳамда ички ишлар бошқарма (бўлим) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман (шаҳар) кенгаши раиси, шунингдек, Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази бўлинмаси раҳбаридан иборат таркибда ташкил этиладиган комиссия;

тадбиркорлик субъектлари – Давлат дастури доирасида манзилли рўйхатга киритилган тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар тадбиркорлиги субъектлари (18 ёшга тўлган 30 ёшдан ошмаган ёшлар), 50 фоиз ва ундан кўпроқ муассислари ёшлардан иборат бўлган тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, яратиладиган иш ўринларининг 70 фоизидан кам бўлмаган қисмини 5 йил давомида ёшларни иш билан таъминлаш учун тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган тадбиркорлик субъектлари, жумладан, хорижий инвесторлар;

манзилли рўйхат – ёшлар шуғулланиш истагини билдирган меҳнат фаолияти турини таҳлил қилиш, шунингдек, имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш талабномаларини танлаб олиш натижалари бўйича ҳудудий комиссиялар томонидан шакллантириладиган ҳамда Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича Республика комиссияси томонидан тасдиқланадиган тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳалари мажмуи;

тижорат банклари – Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш хизматларини кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Ипак йўли” АИТБ, АТ “Халқ банки” ва “Хамкор банк” АТБ;

кредит линияси – тижорат банклари билан Жамғарма ўртасида тузилган шартномаларга асосан ёшларга имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш учун очилган кредит линиялари;

ишчи гурух – худудий комиссия томонидан тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш мақсадида инвестицияйи ва ижтимоий комплекслар худудий органларининг, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда давлат солиқ инспекцияси ва Жамғарманинг туман (шахар) филиали ходимидан иборат таркибда ташкил этилган гурух.

3. Жамғарма Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда республика комиссияси деб аталади) ишчи органи ҳисобланади.

2-боб. Манзилли рўйхатларни шакллантириш тартиби

4. Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга олиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. Худудий комиссия ишчи гурух билан биргаликда ҳар йили октябрь ойига қадар ҳар бир хонадонни уйма-уй юриш орқали Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга олиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларининг дастлабки рўйхатини шакллантиради.

6. Худудий комиссия тижорат банклари билан биргаликда шакллантирилган тадбиркорлик субъектларининг дастлабки рўйхатига мувофиқ лойиҳаларни ҳар йили 1 ноябрга қадар куйидаги мезонларга асосан ўрганиб чиқади:

ложиҳанинг ҳисоб-китоблари асосланганлиги ҳамда иқтисодий самарадорлиги;

ложиҳани амалга ошириш имкониятлари ва етарлича шароит мавжудлиги;

ложиҳани амалга ошириш юзасидан имтиёзли кредитларни қайтариш бўйича мажбуриятларни мол-мулк гарови, сугурта ташкилотлари кафолати, учинчи шахс кафиллиги билан таъминланиши, шунингдек, Жамғарманинг кафиллигига бўлган эҳтиёжи;

ложиҳани ҳақиқатдан ҳам тадбиркорлик субъекти лойиҳа ташаббускори эканлиги, унинг бизнес кўникмаларга ва лойиҳанинг ўзига хос жиҳатлари бўйича тўлиқ тушунчага эга эканлиги;

ложиҳанинг мазкур Низомнинг 24 ва 34-бандлари талабларига мувофиқлиги;

ложиҳани амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва унинг бошқа муҳим жиҳатларини ўрганади.

7. Худудий комиссиялар томонидан манзилли рўйхатга киритиш учун лойиҳалар танлаб олиннишида куйидагиларга устуворлик берилади:

ишиз ёшлар сони кўп бўлган маҳаллаларда амалга ошириладиган лойиҳаларга;

бошқа лойиҳаларга нисбатан кўпроқ иш ўрни яратиладиган лойиҳаларга;

инновацион ва стартап лойиҳаларга;

кам таъминланган оиласалар аъзоси бўлган ёшларга;

I ва II гурух ногиронлиги бўлган ёшларга;

бала тарбиялаётган ёлғиз ёш ота ёки оналарга;

8. Зарур ҳолларда, ҳудудий комиссия лойиха ташаббускорини таклиф этган ҳолда лойиҳанинг тақдимоти ўтказилишини ташкил қилиши мумкин.

9. Тадбиркорлик субъектининг лойиҳаси бўйича тижорат банкининг кредит кўмитаси (комиссияси) имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш бўйича хulosса тақдим этади.

10. Ҳудудий комиссия тижорат банкларининг кредит кўмиталари (комиссиялари) томонидан тақдим этилган хulosаларга асосан туман (шахар)да реализация қилинадиган самарали лойиҳаларни манзилли рўйхатини шакллантиради ва мазкур Низомга 2-иловадаги шаклга мувофиқ расмийлаштиради ҳамда ҳар йили 10 ноябрга қадар Жамғармага тақдим этади.

11. Жамғарма ҳудудий комиссиялар томонидан тақдим этилган манзилли рўйхатларни ҳар йили 1 декабрга қадар туман (шахар)лар кесимида умумлаштириб, Жамғарманинг кейинги йил учун молиялаштириш прогноз параметрлари доирасида кўриб чиқади ва таҳлил қиласи ҳамда тасдиқлаш учун республика комиссиясига киритади.

12. Тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхати республика комиссияси томонидан ҳар йили 25 декабрга қадар тасдиқланади.

13. Тасдиқланган манзилли рўйхат 3 кун ичида тижорат банкларига ҳамда Жамғармага тақдим этилади. Жамғарма тасдиқланган манзилли рўйхатни олганидан сўнг 5 иш куни ичида уни ҳудудий комиссияларига етказилишини ҳамда ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминлайди.

Ҳудудий комиссияларга тасдиқланган манзилли рўйхат келиб тушган кундан бошлаб 10 кун ичида мазкур рўйхатга киритилган тадбиркорлик субъектлари (loyiҳa ташаббускорлари)ни хабардор қиласи.

14. Тасдиқланган манзилли рўйхатга мувофиқ лойиҳаларнинг реализация қилинганлиги ҳудудий комиссиялар томонидан ҳар чоракда ўрганилиб, лойиҳаларни амалга оширишда юзага келаётган муаммолар ҳал этиб борилади.

Шунингдек, заруратга кўра манзилли рўйхатда белгиланган муддатда амалга оширилмаган лойиҳалар ўрнига ҳудудий комиссиялар томонидан аниқланган бошқа истиқболли лойиҳаларни тасдиқланган параметрлар доирасида молиялаштиришни инобатга олган ҳолда манзилли рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Жамғармага таклифлар киритади.

15. Жамғарма ҳудудий комиссияларнинг манзилли рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларини умумлаштиради, кўриб чиқади ва заруратга кўра натижаси бўйича республика комиссиясига киритади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш ва мол-мулкни лизингга беришнинг умумий тартиби

16. Жамғарма маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатиш тижорат банклари ҳамда тижорат банклари томонидан жалб қилинган лизинг хизматини кўрсатувчи ташкилотлар орқали манзилли рўйхатга асосан амалга оширилади.

17. Манзилли рўйхатдаги лойиҳаларни молиялаштириш учун Жамғарма билан тижорат банки ўртасида 5 йил муддатгача йиллик 5 фоиз ставка билан молиявий ресурслар ажратиш тўғрисида шартнома (кейинги ўринларда бош келишув деб аталади) имзоланади.

18. Бош келишувда тижорат банки Жамғарма маблағларидан манзилли рўйхатга киритилган лойиҳаларнигина молиялаштириш учун фойдаланиши қатъий белгиланади.

19. Манзилли рўйхатдаги лойиҳалар тижорат банкларининг кредит қўмиталари (комиссиялари) томонидан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг молиялаштирилади.

20. Имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга 12 ойгача имтиёзли давр билан тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектига йиллик 7 фоиз ставкада (бунда тижорат банки маржаси 2 фоизни ташкил этади) берилади.

Бунда, имтиёзли кредит ва мол-мулк лизингидан фойдаланиш муддати ва имтиёзли даври лойиҳаларниг бизнес режасига асосан белгиланади.

Манзилли рўйхатга киритилган қиймати икки миллиард сўмдан юқори бўлган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг ижобий хulosаси олингандан сўнг молиялаштирилади.

21. Имтиёзли кредитлар ва мол-мулк лизинги учун ажратилган маблағлар тижорат банкларининг алоҳида ҳисобварақларда юритилади.

4-боб. Жамғарма кредит линияси ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш ва расмийлаштириш тартиби

22. Жамғарма маблағларидан имтиёзли кредитлар тадбиркорлик субъектларига тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш мақсадлари учун ажратилади.

23. Имтиёзли кредитлар қайтаришлиқ, тўловлилиқ, таъминланганлиқ, муддатлилиқ ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

24. Жамғарма маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

25. Имтиёзли кредитлар куйидаги мақсадларга ажратилмайди:
аввал олинган кредитлар ёки бошқа ҳар қандай қарзларни қайтаришга;
спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари, шунингдек, чилим ва электрон сигареталар ишлаб чиқаришга;
савдо-воситачиликни амалга оширишга;
умумий овқатланиш ташкилотларининг айланма маблағларини шакллантиришга;
савдо обьектлари ва умумий овқатланиш обьектларини қуришга;
ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олишга;
маъмурӣ харажатларни тўлашга, жумладан хизмат автомобиллари таъминотига;
тиражли, бир лаҳзали ва рақамли лотореяларни ташкил этишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун ускуналар харид қилишга.

26. Айланма маблағларни түлдиришга имтиёзли кредитлар тадбиркорлик субъектининг 1-3 ойлик айланма маблағлариға бўлган эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда, 18 ой муддатгача револьвер (хар ойда сўндириш ва қайта олиш) кредит тарзида ажратилади.

27. Тадбиркорлик субъектлари кредит олиш учун тижорат банкига ариза билан бирга қуидаги хужжатларни тақдим этади:

бизнес режа;

кредитлар қайтарилиши бўйича мажбуриятни таъминлашга доир хужжатлар;

паспорт нусхаси – юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритаётганлар учун.

Юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари юқоридаги тегишли хужжатлар билан бирга давлат солиқ инспекциясига охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия балансини (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномаларини, молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни (2-сон шакл) тижорат банкига тақдим этади, янги ташкил этилган юридик шахслар бундан мустасно.

28. Имтиёзли кредитларни қайтариш бўйича мажбуриятлар мол-мулк гарови, сугурта ташкилотлари кафолати, учинчи шахс кафиллиги, жумладан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасининг кафиллиги (кредит ҳажмининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда) ҳамда қонун хужжатларида ва тижорат банкининг ички кредит сиёсатида белгиланган бошқа усуулларда таъминланиши мумкин.

29. Тижорат банклари ўзларининг ички кредит сиёсатига мувофиқ таъминланмаган имтиёзли кредит (эътимодли кредит) бериш ҳақида қарор қабул қилишлари мумкин.

30. Имтиёзли кредит ажратиш бўйича тадбиркорлик субъектининг аризаси тижорат банки томонидан уч иш куни ичida кўриб чиқилади ва натижаси бўйича кредит ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилинади.

31. Имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда бир иш куни ичida тадбиркорлик субъекти ва тижорат банки ўртасида кредит шартномаси имзоланади.

32. Кредит бериш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, тижорат банки тегишли қарор қабул қилинган қундан бошлаб бир иш куни ичida бу ҳақда тадбиркорлик субъектини ҳамда худудий комиссияни ёзма шаклда хабардор қиласди.

33. Жамғарма ресурслари ҳисобидан имтиёзли кредит ажратишда тижорат банкининг маълум бир филиалида маблағлар етишмаган тақдирда бошқа бир филиалида мавжуд маблағлар тижорат банкининг худудий бўлинмаси томонидан туман ва шаҳар филиаллариға қайта тақсимланиши мумкин.

5-боб. Жамғарма кредит линияси ҳисобидан лизинг хизматларини кўрсатиш шартлари

34. Мол-мулкни лизингга бериш ва лизинг хизматларини кўрсатиш учун маблағлар ажратиш тадбиркорлик субъектлариға тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш мақсадлари учун ажратилади.

35. Тижорат банклари томонидан лизинг хизматлари қуйидаги мақсадларга күрсатилмайды:

мелиорация техникаси, машиналари ва енгил автотранспорт воситаларини харид қилишга;

спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари, шунингдек, чилим ва электрон сигареталар ишлаб чиқариш ускуналарини харид қилишга;

тиражли, бир лаҳзали ва рақамли лотореяларни ташкил этиш учун ускуналар харид қилишга.

36. Тадбиркорлик субъектлари имтиёзли асосда лизингга мини-технологиялар ҳамда ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун тижорат банкларига ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лизинг объективининг техник-иктисодий күрсаткичлари тўғрисида маълумотлар;

имтиёзли лизингнинг бутун муддати учун пул оқими прогнози күрсатилган бизнес-режа;

тадбиркорлик субъективининг рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ инспекциясининг баланс қабул қилинганилиги тўғрисидаги ёзув мавжуд бўлган охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома, шунингдек 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорлик бўйича таққослаш далолатномалари (янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган оиласи тадбиркорлик субъектлари ҳамда дехқон ҳўжаликлари бундан мустасно).

37. Лизинг бўйича молиявий ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши, ўқолиши, ўғирланиши, шикастланиши, бузилиши ва барвақт эскириши хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган заардан лизинг объективини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан суғурталанади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, тадбиркорлик субъекти лизинг обьекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.

38. Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали лизинг хизматларини кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ти Конуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6-боб. Тадбиркорлик субъектларига Жамғарма томонидан тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафиллик бериш шартлари

39. Тижорат банки томонидан тадбиркорлик субъектига ажратиладиган кредитларни қайтариш мажбуриятлари бўйича таъминот сифатида кредит суммасининг 50 фоизигача, аммо 1 млрд. сўмдан ошмаган миқдорда Жамғарма кафиллиги берилиши мумкин.

40. Жамғарма томонидан тақдим этиладиган кафилликларнинг умумий миқдори Жамғарма жами маблағларининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

41. Кафиллик бериш бўйича Жамғарма хизматлари пулли ҳисобланади. Жамғарманинг кафиллиги берилганилиги учун тадбиркорлик субъектларидан миллый валютада кафиллик суммасининг 1 (бир) фоизи миқдорида бир марталик воситачилик ҳаки ундирилади.

42. Жамғарма кафиллиги тадбиркорлик субъектларига улар қуидаги шартларга мос келганды берилади:

тадбиркорлик субъекти лойиҳада ўзининг 25 фоиздан (оилавий тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно) кам бўлмаган улуши билан иштирок этса;

Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатдан ўтган ҳолда фаолиятини амалга ошираётган бўлса;

тижорат банклари кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги бўлмаса.

43. Тадбиркорлик субъектининг имтиёзли кредит олиш мақсадида тижорат банкига тақдим этган хужжатларида кредит қайтарилиши бўйича мажбуриятни таъминлаш Жамғарма кафиллиги назарда тутилган бўлса, тижорат банки томонидан тадбиркорлик субъектининг хужжатлари ушбу Низомнинг 41-бандидаги шартларга мослиги билан бир вақтда ўрганиб чиқлади ва натижаси бўйича:

хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда тижорат банки бир кун муддатда тадбиркорлик субъектидан етишмаётган ахборотни (хужжатни) талаб қиласди;

тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади ва лойиҳанинг молиявий-иктисодий самарадорлигини қонунчиликда белгиланган тартиб-таомиллар хамда ички кредит сиёсатига мувофиқ баҳолайди.

Кредит ажратиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда тижорат банки тадбиркорлик субъектининг Жамғарма кафиллигини олиш учун аризаси илова қилинган ўз хulosасини бош тижорат банкига икки кун муддатда юборади хамда бу ҳақда тадбиркорлик субъектига маълум қиласди.

Тижорат банки кредит ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолатда тадбиркорлик субъектига Жамғарма кафиллиги учун рад этишнинг асосли сабаблари кўрсатилган ёзма жавоб юборади.

44. Бош тижорат банки хужжатларни олгач, икки иш кунида зарур хужжатлар ва улар бўйича умумлаштирилган ахборотни кўриб чиқади хамда Жамғармага тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар бўйича Жамғарма кафиллигини тақдим этиш учун юборади.

45. Жамғарма томонидан Жамғарма кафиллигини олиш учун бош тижорат банки томонидан юборилган хужжатлар тўплами қабул қилингандан сўнг уч иш куни мобайнида:

тақдим этилган хужжатларни текширади, заруратга кўра, бир иш куни мобайнида бош тижорат банкидан етишмаётган ахборотни (хужжатларни) сўраб олади;

умумлаштирилган маълумотларни ушбу Низом талабларига мувофиқлигини текширади;

кафиллик олиш учун ариза маъқулланган тақдирда тижорат банкини хабардор қиласди.

46. Хужжатлар кафиллик олиш учун талабларга мос келмаган тақдирда Жамғарма бош тижорат банки ва Жамғарманинг туман (шаҳар) филиалига икки иш куни мобайнида қабул қилинган қарор ҳақида асосли сабабларни ёзма равишида кўрсатиб хабарнома юборади ва тақдим этилган хужжатларни қайтаради.

47. Кафиллик олиш учун ариза маъқуллангач:
тижорат банки ва тадбиркорлик субъекти ўртасида кредит шартномаси;
Жамғарманинг туман (шахар) филиали, тижорат банки ва тадбиркорлик субъекти ўртасида кафиллик шартномаси тузилади.

Бунда кафиллик шартномасини Жамғарма номидан Жамғарманинг туман (шахар) филиали раҳбари имзолайди. Тижорат банки ва тадбиркорлик субъекти ўртасида тузилган кредит ва кафиллик шартномаларининг нусхаси, шунингдек кредитни қайтариш жадвали Жамғармага юборилади.

48. Жамғарманинг берилган кафилликлар бўйича тижорат банки олдидаги мажбуриятлари қуидаги ҳолатларда бекор қилинади:

кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар берилган кафиллик суммаси бўйича тўлиқ қайтарилганда;

жамғарма томонидан кафиллик бўйича тўловлар амалга оширилганда;

тадбиркорлик субъекти кредит маблағларини бошқа субъектга Жамғарманинг ёзма равишдаги рухсатисиз берганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

49. Жамғарма кафиллик портфелининг қисман ёки тўлиқ ҳажмини суғурта йўли билан қоплаш хуқуқига эга. Бунда суғурта йўли билан қоплаш бўйича сарф-харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

50. Кафилликка эга бўлган тадбиркорлик субъекти Жамғармага кредит бўйича жорий қарзни қайтарганидан сўнг такроран мурожаат қилишга ҳақли.

7-боб. Жамғарманинг тақдим этилган кафилликлар бўйича мажбуриятларни бажариш тартиби

51. Тадбиркорлик субъекти кредитни қайтарганда ва кредит бўйича ўз мажбуриятларини имкон қадар камайтирганда, биринчи навбатда, Жамғарма кафиллигидан кредит бўйича қайтарилган суммага мутаносиб равишда озод этилади (таъминотдан чиқарилади). Бунда тадбиркорлик субъекти томонидан ажратилган кредит бўйича таъминот сифатида тақдим этилган мулк Жамғарма таъминоти тўлиқ қопланганидан сўнг имтиёзли кредитларни қайтариш бўйича мажбуриятлардан озод этилади.

52. Тадбиркорлик субъекти асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни ўз вақтида тўлаш билан боғлиқ мажбуриятларни кредит шартномасида белгиланган муддатларда бажармаса ёки тегишли равишда бажармаса, ёхуд мажбуриятлар 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда бажарилмаса ёки тегишли равишда бажарилмаса, тижорат банки қонунчиликда белгиланган тартибда унга ёзма талаблар қўяди.

53. Тадбиркорлик субъекти кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган санадан (тегишли равишда бажармаганда) бошлаб, тижорат банки 90 календарь кун давомида тадбиркорлик субъектидан кредит бўйича асосий қарзниң қайтарилмаган суммасини олиш, ундан фоизларни ундириш ҳамда кредит шартномасида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши учун барча оқилона ва юзага келган вазиятда мумкин бўлган чоралар кўришга мажбур, жумладан:

тадбиркорлик субъектининг ҳисоб рақамидаги маблағни унинг рухсатисиз олиб қўйиш;

гаров предметини ундириш ва таъминот бўйича талаблар қўйиш (Жамғарма кафиллиги бундан мустасно).

54. Муддатлар тугагач ва мазкур Низомнинг 52-бандида назарда тутилган барча зарур тартиб-таомиллар бажарилгандан сўнг кредит шартномасида белгиланган тартибда тижорат банки олдиаги қарз суммаси қайтарилмаса тижорат банки Жамғармага қуидагилар қайд этилган талабларни қўяди:

кафиллик шартномаси реквизитлари (шартнома тузилган сана, рақами, банк ва Жамғарма кафил бўлган тадбиркорлик субъекти номи);

кафиллик шартномаси билан таъминланадиган кредит шартномаси реквизитлари (шартнома тузилган сана, рақами ва бошқалар);

кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизлар суммасига бўлинган талаблар ҳажми;

тадбиркорлик субъектининг шартнома бўйича бажармаган мажбуриятлари ҳажми бўйича жавобгарликнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда, Жамғарманинг кафиллик шартномаси бўйича молиявий жавобгарлик ҳажмини ҳисоблаш;

тижорат банкининг Жамғарма томонидан тўланадиган маблағлар ўтказилиши лозим бўлган тўлов реквизитлари кўрсатилган ҳисоб рақами;

тижорат банки талабларини қаноатлантириш муддатлари.

55. Талаб Бош тижорат банкининг ваколатли вакили томонидан имзоланиши ва тижорат банки муҳри билан тасдиқланиши лозим.

56. Ушбу талабга қуидагилар илова қилинади:

талабни (эътирозни) имзолайдиган шахс ваколатини тасдиқлайдиган хужжат нусхаси;

тадбиркорлик субъектининг ҳисобланган қарзи ва Жамғарма молиявий масъулиятининг ҳисобланган ҳажми;

тадбиркорлик субъектининг тижорат банки олдида қарздорлигини тасдиқловчи хужжатлар нусхаси;

тижорат банкининг тадбиркорлик субъектига йўллаган талабининг (эътирози) нусхаси;

тижорат банки мазкур Низомнинг 51-бандида қайд этилган тадбиркорлик субъектига нисбатан чоралар кўргани ва тегишли ишларни амалга оширганини тасдиқловчи хужжатлар нусхаси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотнома.

Тижорат банкининг Жамғармага нисбатан талаби (эътирози) қайд этилган барча хужжатлар бош тижорат банкининг ваколатли вакили томонидан тасдиқланиб, тижорат банки муҳри билан мустаҳкамланиши лозим.

57. Жамғарма тақдим этилган талабни унинг берилган кафилликка ва илова қилинган хужжатларга мувофиқлиги бўйича қўриб чиқади. Қўриб чиқиш кафиллик шартномасида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

58. Жамғарма талаблар ва илова қилинган ҳужжатлар кафиллик шартномаси шартларига мос келмаган ҳолатларда тижорат банкига кафиллик суммасини тұлаш ҳақидағи талабни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга.

Эътиrozлар билдирилган тақдирда Жамғарма тижорат банкидан талаб келған санадан бошлаб, уч иш куни мобайнида тижорат банкига мавжуд барча эътиrozлар күрсатылған хатни юборади.

59. Жамғарма эътиrozлар билдирилмаганда тижорат банки күрсатған ҳисоб рақамга маблағ үтказиши шарт. Жамғарма тижорат банки талаблари асосида ва кафиллик шартномасига мувофиқ тижорат банкига кредитнинг тўланмаган қисми бўйича кафиллик шартномасида күрсатылған мажбуриятлар суммасидан ошмайдиган микдорда маблағ тўлайди.

60. Жамғарма мажбуриятлари у тижорат банкига маблағ үтказган пайтдан бажарилған ҳисобланади.

61. Жамғарма кафиллик бўйича тўловларни тўлагандан сўнг тижорат банки билан биргаликда харажатларни тадбиркорлик субъектининг бошқа ликвид мулки ҳисобидан регресс тартибда, жумладан, судга мурожаат қилиш оркали қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8-боб. Мониторинг үтказиш

62. Тижорат банклари томонидан Жамғарма маблағларидан ажратылған имтиёзли кредит ва мол-мулк лизингидан фойдаланиш конун ҳужжатларига мувофиқ доимий мониторинг қилиб борилади.

Кредит ва лизинг шартномасига асосан кредит ва лизингдан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, тижорат банки кредит ва лизинг суммаси, шунингдек, унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариб олишга ҳамда шартномада белгиланган шартлар асосида жарима белгилашга ҳақлидир.

63. Манзилли рўйхат доирасида тадбиркорлик субъектига ажратылған молиявий маблағлардан мақсадсиз фойдаланилганлиги ҳолати аниқланса худудий комиссиялар, Жамғарманинг туман (шаҳар) филиаллари ва тегишли тижорат банклари мазкур маблағларни ўз вақтида тўлиқ қайтариш чораларини кўради. Агар тадбиркорлик субъекти томонидан Жамғарма маблағларидан ажратылған молиявий маблағларни, шунингдек етказилған зарарни ихтиёрий равишда қоплаш рад этилган ҳолларда уларни мажбурий ундириш учун конун ҳужжатларига мувофиқ судга мурожаат қиласи.

9-боб. Якунловчи қоида

64. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги
“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси маблағларидан имтиёзли
кредитлар ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатиш ҳамда
тижорат банклари кредитлари бўйича кафилликлар бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**“Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни
лизингга олиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга
oshiриладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-bosqich	Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш туман (шаҳар) комиссиялари, ишчи гурӯҳ	Ҳар бир хонадонни уйма-уй юриш оркали Давлат дастури доирасида имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга олиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларининг дастлабки рўйхатини шакллантириш.	ҳар йили октябрь ойига қадар
2-bosqich	Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш туман (шаҳар) комиссиялари Тижорат банклари	1. Шакллантирилган тадбиркорлик субъектларининг дастлабки рўйхатига мувофиқ лойиҳаларни ўрганиб чиқиши. 2. Имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингта бериш бўйича кредит қўмитаси (комиссияси)нинг холосасини тақдим этиши.	ҳар йили 1 ноябрга қадар
3-bosqich	Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш туман (шаҳар) комиссиялари	Тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини ўрганиш натижалирига кўра туман (шаҳар)да реализация килинадиган самарали лойиҳаларни манзилли рўйхатини шакллантириш, расмийлаштириш ҳамда Жамғармага тақдим этиши.	ҳар йили 10 ноябрга қадар
4-bosqich	“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси	Худудий комиссиялар томонидан тақдим этилган манзилли рўйхатларни туман (шаҳар)лар кесимида умумлаштириб Жамғарманинг кейинги йил учун молиялаштириш прогноз параметрлари доирасида кўриб чиқиши ва таҳжил қилиш ҳамда тасдиқлаш учун республика комиссиясига киритиши.	ҳар йили 1 декабрга қадар
5-bosqich	Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш республика бўйича комиссияси	1. Тадбиркорлик субъектларининг туман (шаҳар)ларда реализация килинадиган лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаши. 2. Тасдиқланган манзилли рўйхатни имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингта беришини молиялаштириш учун тижорат банкларига ҳамда Жамғармага тақдим этиши.	ҳар йили 25 декабрга қадар манзилли рўйхат тасдиқлангандан сўнг уч кун ичida
6-bosqich	“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси	Тасдиқланган манзилли рўйхатни худудий комиссияларига етказилишини ҳамда ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминлаши.	манзилли рўйхатни олгандан сўнг беш иш куни ичida
7-bosqich	Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш туман (шаҳар) комиссиялари	Тасдиқланган манзилли рўйхатга киритилган тадбиркорлик субъектлари (войла ташбускорлари)ни хабардор қилиши.	манзилли рўйхат келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичida
8-bosqich	Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш туман (шаҳар) комиссиялари	1. Тасдиқланган манзилли рўйхатга мувофиқ лойиҳаларнинг реализация килинганини ҳолатини ўрганиши. 2. Манзилли рўйхатда белгиланган муддатда амалга оширилмаган лойиҳалар ўрнига худудий комиссиялар томонидан аниқланган босқа истиқболли лойиҳаларни тасдиқланган параметрлар доирасида молиялаштиришини инобатга олган ҳолда манзилли рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Жамғармага тақлифлар киритиши.	ҳар чоракда заруратта кўра
9-bosqich	“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси	Худудий комиссияларнинг манзилли рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифларини умумлаштириши, кўриб чиқиши ва натижаси бўйича республика комиссиясига киритиши.	заруратта кўра

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги
“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси маблағларидан имтиёзли
кредитлар ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатиш ҳамда
тижорат банклари кредитлари бўйича кафилликлар бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**“Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури доирасида _____ тумани (шаҳри)да
реализация қилинадиган тадбиркорлик лойиҳаларининг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

№	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳа номи	Лойиҳа умумий қиймати, млн.сўм	шундан:			Ажратиладиган банк кредитининг таъминот билан таъминланганлиги, шундан		Лизинг объекти	Лизинг қиймати, млн.сўм	Хизмат кўрсатувчи банк	Кредит /лизинг ажратиш муддати	Ишга тушириш муддати	Янги иш ўринлари
				ўз маблағи, млн.сўм	банк кредити, млн.сўм	хорижий инвестициялар (минг АҚШ доллари)	лоиҳа ташаббускори томонидан тақдим этиладиган таъминот миқдори (фоизда)	“Ёшлар – келажагимиз” жамғармасидан сўраладиган кафиллик миқдори (фоизда)						
1														
2														
3														
4														
5														
...														

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш _____
туман (шаҳар) комиссияси раиси

имзо

Ф.И.Ш.

Комиссия аъзоси

имзо

Ф.И.Ш.

Комиссия аъзоси

имзо

Ф.И.Ш.

Комиссия аъзоси

имзо

Ф.И.Ш.

Ўзбекистон ёшлар иттифоки ҳузуридаги
“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси маблағларидан имтиёзли
кредитлар ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатиш ҳамда
тижорат банклари кредитлари бўйича кафилликлар бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси маблағларидан
имтиёзли кредитлар ажратиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-bosqich	Тадбиркорлик субъекти	Манзили рўйхатга мувофиқ имтиёзли кредитлар ажратишни сўраб тижорат банкига тегисли хужжатларни тақдим этиши.	тасдиқланган манзили рўйхат бўйича хабардор қилинганидан сўнг
2-bosqich	Тижорат банки	Имтиёзли кредит ажратиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш.	ариза келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичida
3-bosqich	Тижорат банки, тадбиркорлик субъекти	1. Имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, тадбиркорлик субъекти ва тижорат банки ўртасида қонун хужжатларида белгиланган тартибда кредит шартномасини тузиш. 2. Имтиёзли кредит ажратиш асослантирилган холда рад этилган тақдирда, тадбиркорлик субъектига ҳамда худудий комиссияга бу ҳакда ёзма равишида хабар бериш.	бир иш куни ичida
4-bosqich	Тижорат банки	Шартномага мувофиқ имтиёзли кредит ажратishi.	шартномада белгиланган муддатда
5-bosqich	Тижорат банки Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириши туман (шаҳар) комиссиялари	Жамғарма маблағларидан ажратилган имтиёзли кредитдан фойдаланишининг бутун муддати давомида мониторинг ўтказиши. Шунингдек, ишчи гурухлар билан биргаликда Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилаётганилиги устидан мониторинг ўтказиши ва мониторинг давомида лойиҳаларни амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни ҳал этиб бориш.	доимий хар чорақда
6-bosqich	Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириши туман (шаҳар) комиссиялари, Жамғарманинг туман (шаҳар) филиаллари, тижорат банклари	Манзили рўйхат доирасида тадбиркорлик субъектига ажратилган молиявий маблағлардан мақсадсиз фойдаланилганилиги ҳолати аниқланса, мазкур маблағларни ўз вақтида тўлиқ қайтариш чораларини кўриш. Агар тадбиркорлик субъекти томонидан Жамғарма маблағларидан ажратилган молиявий маблағларни, шунингдек етказилган зарарни ихтиёрий равишида қоплаши рад этилган холларда уларни мажбурий ундириш учун қонун хужжатларига мувофиқ судга мурожаат қилиш.	заруратта кўра

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 16 август даги 669-сон қарорига
3-илова

**Ишсиз ва банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларга
профессионал ўқитиш юзасидан қисқа муддатли курслар сонини кўпайтириш ва сифатини ошириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР КОМПЛЕКСИ**

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъуллар	Сарфланадиган маблағ микдори*	Молиялаштириш манбалари
1.	Меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган ишчи касблар (мутахассислик)ни аниқлаш.	<p>Худудлар бўйича жорий, яқин, ўрта ва узок истиқболдаги меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунар ихтисосликларини аниқлаш. Бунда қуидагиларни ҳисобга олиш:</p> <ol style="list-style-type: none">1. Мавжуд хўжалик юритувчи субъектлардаги бўш (бўшайдиган) иш ўринлари;2. Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари доирасида ишга тушириладиган лойиҳаларда яратиладиган иш ўринлари;3. Миллий ҳунармандчилик бўйича “Усташогирд” анъанаси асосида ўқитиш йўналишлари ва ҳажми;4. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг чет эллик иш берувчилар билан тузилган шартномаларига мувофиқ талаб этиладиган мутахассислик (ишчи касб)лар;5. Норасмий сектор ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги мутахассис (касб)ларга бўлган талаб.	2018 йил август ойидан бошлаб доимий	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	—	—
2.	Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни касб-хунарга ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўкув курслари сонини ва сифатини ошириш мақсадида нодавлат	1. Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган, замонавий техника ва технологиялар, ўкув дастурлари асосида ўқитиш имкониятига ҳамда бошқа зарур шарт-шароитларга эга бўлган нодавлат таълим муассасалари билан ўзаро натижага йўналтирилган ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;	доимий	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги	Шартномага мувофиқ	Бандликка кўмаклаши давлат жамғармаси

	таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини кўчайтириш хамда уларни молиялаштиришни кенгайтириш.	2. Худудий аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан мазкур таълим муассасаларида мавжуд таълим йўналишлари, муддатлари ва ихтисосликлар тўғрисидаги маълумотларни ишсиз фуқаролар, айниқса ёшларнинг кенг оммасига етказиш бўйича чоралар кўриш; 3. Худудий аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида юборилган ишсизларни, шу жумладан ёшларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун кетган ҳаражатларни Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан молиялаштиришни кенгайтириш.				
3.	Худудий аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида ишга жойлаштирилган ёхуд касбга ўқитишга йўналтирилган аҳолини ижтимоий заиф қатлами, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оиласлар аъзолари ва оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-куватлашни ташкил этиш.	1. Аҳолини ижтимоий заиф қатламига мансуб шахсларни касбга ўқитишни қўллаб-куватлашни белгилаб берувчи тартиб ишлаб чиқиши, бунда куйидагиларни инобатга олиш: а) худудий аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида ишга жойлаштирилган аҳолини ижтимоий заиф қатлами, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оиласлар аъзолари ва оғир турмуш шароитида яшаётган аёлларни иш берувчи томонидан уларни малакасини оширишга кетадиган ҳаражатларни энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробаригача бўлган қисмини Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан бир марталик субсидия сифатида молиялаштиришни ташкил этиш. б) худудий аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларидан рўйхатдан ўтган ишсизлар, айниқса кам таъминланган оиласларда яшовчи хотин -қизларни касбга қайта ўқитиш ҳаражатларини молиялаштириш мақсадида касб-хунар таълими муассасаларига грант ажратиш.	2018 йил сентябрь	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази	Талабдан келиб чиқиб	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси

4.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфидаги 14 та касб-хунар коллежлари базасида хорижий тажриба ва меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича курсларни ўз ичига олган замонавий марказларни ташкил этиш.	<p>1. Ички ва ташки меҳнат бозоридаги эҳтиёж таҳлили ҳамда ҳудуд ҳусусиятини инобатга олган ҳолда касб-хунар коллежлари базасида ташкил этиладиган ишсизларни касб-хунарга ўқитиш марказларида ўқитиладиган касб (мутахассислик)лар рўйхатини шакллантириш;</p> <p>2. Белгилаб олинган ихтисосликлар бўйича касб-хунар коллежларининг мавжуд имкониятлари (устахона ва жиҳозлар, ётоқхона ва моддий-техника базасининг ҳолати, ишлаб чиқариш таълими усталарининг мавжудлиги)ни хатловдан ўтказиш ҳамда қўшимча талаб этиладиган жиҳоз ва зарур воситалар, курилиш ва таъмирлаш ишлари ҳамда бошқа керакли шартшароитларни яратиш юзасидан таклиф ишлаб чиқиш;</p> <p>3. Ушбу касб-хунар коллежлари базасида амалдаги таълимга халақит бермаган ҳолда ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини, шу жумладан ёшларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этишни назарда тутувчи тартиб ишлаб чиқиш.</p>	<p>2019 йил февраль</p> <p>2019 йил март</p> <p>2019 йил июнь</p>	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази	Лойиҳа смета ҳужжатлари асосида	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг хукуқ ва манфаатлари ни химоя қилиш жамғармаси
5.	Энг яхши касб-хунар таълими муассасаси республика танлови ўтказиш.	<p>1. Энг яхши касб-хунар таълими муассасаси республика танловини ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;</p> <p>2. Мазкур танловни ташкил этиш, ўтказиш ва ғолибларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш;</p> <p>3. Ғолиблар томонидан жойларда мастер-класслар ташкил этиш.</p>	<p>2018 йил октябрь</p> <p>хар ўқув йилида</p> <p>доимий</p>	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази	Ташкилий чора-табирлар режасида белгиланади	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари, ҳомийлар маблағлари
6.	Ишчиларни малака дарражаси, компететлиги ва кўникмаларини баҳолашнинг миллий тизими жорий этиш.	1. Малака дарражаси, компететлик ва кўникмаларини баҳолашнинг миллий тизими фаолияти тартибини белгилаб берувчи тегишли норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини малака дарражасини баҳолаш	2019 йил январь	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Касб-хунар	Лойиҳа смета ҳужжатлари асосида	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари, Халқаро

		<p>хизматини кўрсатувчи субъектларни аккредитациядан ўтказиш бўйича масъул орган сифатида белгилаш.</p> <p>2. Тасдиқланган малака даражасига эга бўлган шахслар миллий реестри интернет-сайтини яратиш;</p> <p>3. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошида касб-малака даражаси ва компетентлик бўйича Кенгаш ташкил этиш;</p> <p>4. Мазкур тизимни хориж тажрибаси асосида такомиллаштириб бориш бўйича амалий кўриш.</p>	<p>2019 йил январь</p> <p>2019 йил январь</p> <p>доимий</p>	<p>таълими маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникация- ларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги</p>		кредит ва грантлар
7.	Иш билан банд бўлмаган ёшларнинг касб-хунарга хоҳишини ва меҳнат йўналишларини аниқлаш учун ижтимоий тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этиш.	<p>1. Ишчи гуруҳини шакллантириш ва ижтимоий тадқиқот учун сўровнома ишлаб чиқиш;</p> <p>2. Ижтимоий тадқиқот ўтказиш режа жадвалини ишлаб чиқиш;</p> <p>3. Ижтимоий тадқиқот ўтказиш ва якуний хулосаларни ишлаб чиқиш;</p> <p>4. Тадқиқот якунлари бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	<p>2018 йил октябрь</p> <p>2018 йил ноябрь</p> <p>хар йили тадқиқот якунidan сўнг</p>	<p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вазирлик ва идоралар</p>	<p>Лойиҳа смета хужжатлари асосида</p>	Ижрочилар маблағлари
8.	Ёшлар бандлигини таъминлашга, уларни касб-хунарга йўналтиришга қаратилган тарқатма материаллар (флаер, брошюралар) чоп этиш ва ҳудудларга тарқатиш	<p>1. Ёшлар бандлигини таъминлашга, уларни касб-хунарга йўналтириш ва тадбиркорлик фаолиятига йўналтиришга қаратилган амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатларни хатловдан ўтказиш;</p> <p>2. Ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи, кенгайтиromoқчи бўлган ёшлар учун амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатларга мувофиқ берилган барча имтиёзларни умумлаштириш;</p> <p>3. Маълумотларни ҳудудлардаги ёшларга ва иш берувчиларга етказиш учун содда ва қулай бўлган инфографикалар, тақдимот материаллари ва қисқа видеороликлар ишлаб чиқиш;</p> <p>4. Тайёрланган маълумотларни оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва бошқа тарғибот тадбирлари орқали ёшлар ва иш берувчиларга етказиш.</p>	<p>2018 йил октябрь</p> <p>2018 йил ноябрь</p> <p>2018 йил декабрь</p> <p>доимий</p>	<p>Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Савдо-саноат палатаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги</p>	<p>Лойиҳа смета хужжатлари асосида</p>	Ижрочилар маблағлари

9.	<p>“Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури доирасида имтиёзли кредит асосида молиялаштириладиган лойиха эгалари (ёш тадбиркорлар) учун тадбиркорлик кўнималарини оширишга қаратилган ўкув курслари ташкил этиш.</p>	<p>1. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказидаги Ёшлар марказларида интернетга уланган компьютер жиҳозлари билан таъминланган ўкув хоналарини ташкил этиш;</p> <p>2. Муайян иш ўрнига эга бўлмаган, тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагида бўлган ишсиз ёшларни Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигига ташкил этилаётган “Тадбиркорлик асослари” ўкув курсларига жалб қилиш;</p> <p>3. “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорликнинг турли йўналишлари бўйича маҳсус профессионал ўкув курсларида (паррандачилик, балиқчилик, сартарошлиқ, хизмат кўрсатиш ва х.к.) ўқитиш ҳамда мазкур курсларни ташкил этиш учун олий таълим муассасаларининг, касб-хунар коллежларининг ўқитувчиларини, амалиётчи-мутахассисларни, муваффақиятга эришган тадбиркорларни ва чет эллик мутахассисларни жалб этишни йўлга кўйиши;</p> <p>4. Ўкув курсини тамомлаган ёшларни Direktor.uz онлайн платформаси орқали “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари саводхонлигини ошириш” курсларида ўқитиш;</p> <p>5. Direktor.uz онлайн платформаси орқали “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари саводхонлигини ошириш” курсларида ўз малакасини оширган ёшларни билимини тегишли онлайн сертификатлаш имтихонидан ўтказиши.</p>	<p>2018 йил декабрь</p> <p>2019 йилдан бошлаб доимий</p> <p>доимий</p> <p>доимий</p> <p>ўкув курсларидан сўнг</p>	<p>Ўзбекистон ёшлар иттифоки, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази, Марказий банк</p>	<p>Ташкилий чора-табирлар режасида белгиланади</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>
----	--	--	---	--	--	-----------------------------

* Тасдиқланган смета харажатлари, тузилган шартнома ва бошқа сабабларга мувофиқ ажратиладиган маблаглар миқдори ва молиялаштириши манбаларига тегишили ўзгартиришлар киритилиши мумкин.